Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 1-fevral, payshanba 13 (8876)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА – ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, шунингдек, МХХ марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларининг раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда алоҳида таъкидландики, ҳамма замонда ҳар қандай давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан миллий хавфсизлик масалалари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, наркотик моддалар ва қурол-яроғ воситаларининг ноқонуний савдоси каби трансмиллий таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда ушбу вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳамда ҳимоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди.

Бу, айниқса, бизнинг яқин ва узоқ ён-атрофимизда рўй берган турли инқирозлар, айрим бузғунчи кучлар томонидан мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга уринишлар содир этилган жуда оғир йилларда яққол намоён бўлди.

Шу билан бирга, йиғилишда Миллий хавфсизлик хизматининг фаолияти холис баҳоланган ҳолда, унинг айрим бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идоралараро ҳамкорлик, тезкор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади. Махсус хизмат доирасига кирмайдиган вазифалар билан шуғулланадиган, бошқа давлат тузилмалари фаолиятини такрорлайдиган бўлинмаларни тугатиш, айни вақтда миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини таъминлайдиган бўлинмаларни мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг қўламли вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизнинг барча соҳалари давр талаби асосида тубдан ислоҳ этилаётган янги шароитда Миллий хавфсизлик хизматининг яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Президентимиз Миллий хавфсизлик хизмати давлатнинг ҳуқуқ-тартибот органларидан бири сифатида ўзининг кундалик фаолиятини мамлакатимизнинг барча вазирлик ва идоралари учун асосий фаолият мезонига айланган "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида ташкил этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг "Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Қонунда МХХнинг асосий функция ва вазифалари белгилаб берилади ва, энг муҳими, унинг қабул қилиниши билан мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколат доиралари аниқлаштириб олинади.

Ҳар қандай жамоа, жумладан, МХХ иш фаолиятининг самараси ҳам кадрлар, биринчи навбатда, унинг раҳбар ходимларига, уларнинг ўз бурчига садоқати, профессионал даражаси, меҳнатсеварлиги ва юксак масъулиятига боғлиқ, деб алоҳида қайд этди Президентимиз.

МХХ бўлинмалари ўзининг ваколати доирасида халқимизнинг муаммоларини ҳал қилишга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ишларига яқиндан ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти МХХ ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат қонунчилиги талабларига оғишмай риоя этиш, турли синовларга чидамли бўлиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришга интилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни қатъий вазифа қилиб қўйди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси этиб тайинланган муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика Бош прокурори лавозимида ишлаб келаётган Ихтиёр Абдуллаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг бўлинмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Прокуратура органлари ходимлари ислоҳотларни самарали амалга оширишда ўзларининг бор салоҳияти, билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарурлиги таъкидланди. Қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш прокуратура органлари томонидан кафолатланиши зарурлигига қаратилди.

Прокурорларнинг секторлар раҳбари сифатидаги фаолиятида энг муҳим вазифаларидан бири одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида ҳудудларни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Давлат бошқарувини халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш прокуратура органларининг жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишни якунлар экан, прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фазилатлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Президентнинг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаётган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

ЎзА

ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

унда жисмоний ва юридик шахслар учун бир қатор янги қулайлик ва имкониятлар тақдим этилмоқда

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар билан мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш юзасидан барча имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди. Мазкур тизимнинг асоси бўлган Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Президент Виртуал қабулхонасига ўтган қисқа даврда 1 миллион 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Бу, бир томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан далолат бўлса, иккинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шиддатли даврда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш аҳолига янги ва қўшимча қулайликларни яратиш имконини беради. Шу маънода, ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда Виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунида ҳам мурожаатчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилган эди.

Шулар асосида Президент Виртуал қабулхонаси дастурий тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва 1 февраль куни тест режимида ишга туширилади. Сайт манзили ўзгармаган – **pm.gov.uz.** Бунда **"pm"** қисқартмаси – **"Президентга мурожаат"** тарзида талқин қилинади.

Мурожаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

Виртуал қабулхонанинг такомиллаштирилган талқинида жорий қилинган асосий янгиликлар эса қуйидагилардан иборат.

ФУҚАРО ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАДА ЎЗ ШАХСИЙ КАБИНЕТИНИ ОЧИШИ МУМКИН

Президент Виртуал қабулхонасининг янги талқинида мурожаатчи ўз хоҳишига кўра, шахсий кабинет очиши мумкин. Бунинг учун жисмоний шахс рўйхатдан ўтиш жараёнида фуқаролик паспортида кўрсатилган шахсий идентификация рақамини ҳам киритиши керак. Бу – мурожаат қилувчи учун идентификациялаш (электрон гувоҳнома) имконияти бўлиб, катта қулайлик яратади.

"Фуқароларнинг шахсий кабинети" модулидан кўзланган мақсад – фуқароларга Виртуал қабулхона тизимида ишлашда максимал қулайлик яратиш, муайян шахснинг мурожаати билан боғлиқ барча ёзишмаларни бир жойда жамлашдан иборат.

Виртуал қабулхона тизимида фуқаролар киритган маълумотларда (исм-фамилия, туғилган йили, яшаш манзили ва ҳоказо) турли хатоликлар учраб турарди. Натижада, дейлик, айни бир шахс юборган бир нечта мурожаатлар тарихини ўзаро боғлиқликда ўрганишда қийинчиликларга дуч келинарди. Мурожаатчи билиб-билмай ўзи ҳақидаги маълумотларни киритишда хатога йўл қўйса, тизимда буни аниқлаш механизми мавжуд эмас эди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

Фурқат ТОШМАТОВ (ЎзА) олган сурат.

ХОВОСДА 98 ОИЛА ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ ЎТДИ

Ховос туманидаги Туркистон массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 16 хонадонга мўлжалланган 2 қаватли битта ҳамда ҳар бири 2 сотихли ери бўлган саксон иккита уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида аҳоли учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш, намунавий лойиҳалар асосидаги арзон уй-жойлар барпо этишга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

– Яратганга шукр, янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арзон уй-жойлардан бирига эга бўлдик, – дейди автокорхона чилангари Шавкат Мелибоев. – Турмуш ўртоғим ва 2 фарзандим, шунингдек, уч акаука кичкина бир ҳовлида тиқилишиб турардик. 3 хонали замонавий уйнинг олдида 2 сотихли ери ҳам бор. Меҳмонхона, дам олиш, болалар хонаси алоҳида, ташқи ва ички ошхона, ҳатто, оғилхона ва индивидуал иситиш қозонхонаси ҳам бор экан. Хуллас, бир оиланинг бахтиёр ҳаёт кечириши учун барчаси муҳайё. Ниҳоятда хурсандман.

Миллий урф-одатларимизга кўра, Ховос тумани ҳокимлиги томонидан уй тўйига атаб дастурхон ёзилди, ош дамланди. Санъаткорлар ижросидаги шўх куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

А.ҚАЮМОВ, ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Нишон туманидаги "Нишон голд" хусусий корхонасида қўшимча имкониятлар ишга солинмоқда. Бизнесга тўрт йил аввал кириб келган мазкур тадбиркорлик субъекти дастлаб хизмат кўрсатиш соҳасида ўз омадини синаб кўрди. Эришилган муваффақиятлар тадбиркорни янги йўналишга қўл уришга ундади.

ТАДБИРКОР ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ОЧДИ

– Тижорат банкидан олинган кредит эвазига замонавий тикув цехи қурдик, – дейди корхона раҳбари Баҳром Муродов. – Керакли дастгоҳлар харид қилдик. Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан лойиҳамизни тўлиқ ишга туширган бўлсак, ҳозирги кунда 20 нафар ишчи билан фаолият олиб боряпмиз.

Корхона раҳбарининг қайд этишича, айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Келгусида мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, шу орқали ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш мақсад қилинган. Корхона маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда кун сайин талаб ошиб бораётгани ишлаб чиқарувчиларни янги марралар сари янада руҳлантирмоқда.

Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фуқароларнинг мурожаат имконияти янада кенгаяди.

Фуқаролик паспортлари топширилди.

Янги марраларга руҳлантирган мулоқотлар.

«Qishloq hayoti»

2018-yil 1-fevral, payshanba 13 (8876)-son

ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

(Боши 1-саҳифада)

Шу пайтгача ҳар бир мурожаатни топиш учун унинг рақами, мурожаатчининг тўлиқ исм-шарифи, манзили, мобиль телефон рақамини базага киритиб излаш керак эди. Мурожаатчи учун ўзининг барча мурожаатлари ҳаракатини бир жойда кўришнинг иложи йўқ эди. Мурожаатчилар эса бир масаладаги турли мурожаатлари ва уларга йўлланган жавобларни, одатда, қоғозга чоп этилган ҳолатда сақлайди. Буларнинг барчаси мурожаатчилар учун ҳам, мурожаатлар билан ишлашда ҳам ноқулайлик, ортиқча вақт ва куч сарфлашни тақозо қилиб келаётган эди.

Шу пайтгача мурожаатчилар янги мурожаат юборишда персонал маълумотларни такроран киритиши лозим эди. Энди мурожаатчи ўз шахсий кабинетига кириб, персонал маълумотларни бир марта киритса, бўлди – кейинги барча амалларни бажаришда шу маълумотлар тизимга автоматик юкланиб бораверади. Мурожаат юбориш учун ҳар сафар персонал маълумотларни янгидан киритишга зарурат қолмайди.

Ўз навбатида ариза, шикоят ва таклифларнинг фуқаролар шахсий паспорт маълумотлари билан тасдиқланиши мурожаатчилар шахсини аниқлаш ишончлилигини таъминлайди. Шахсий кабинет орқали шахснинг давлат органлари билан бўлиб ўтган барча ёзишмалари (барча мурожаатлар ва жавоб хатлари) бир жойда, қулай тартибда жамланади ва керакли мурожаат жавобини излаб топиш осонлашади.

КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАРГА БАТАФСИЛ ЖАВОБЛАР

Виртуал қабулхонада **"Кўп бериладиган саволлар"** бўлими ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад мурожаатчига ўзини қизиқтирган саволга расмий мурожаат қилмасдан ҳам жавоб олиш имкониятини яратишдан иборат.

Таҳлиллар фуқароларимиз томонидан муайян соҳа ёки мавзу юзасидан **умумий характердаги ҳуқуқий ахборот ва ҳуқуқий маслаҳат** олиш учун ҳам мурожаат юбориш ҳолатлари кўп эканини кўрсатмоқда. Улар керакли маълумотни олиш учун маълум муддат кутишига тўғри келган, давлат органлари эса айни бир мазмундаги жавоб талаб қилувчи кўп сонли мурожаатларга алоҳида жавоб юборишга мажбур бўлаётган эди.

Шу муносабат билан фуқаролар мурожаатларини таҳлил қилиш натижасида кўп берилган саволлар аниқлаб олиниб, уларнинг жавоблари оддий ва тушунарли тилда ифодаланиб, махсус бўлимда жамланди. Бунда уй-жой, ижтимоий ҳимоя, тадбиркорлик ва банк фаолияти, ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва лицензиялаш, ветеринария хизматлари, солиқлар ва жарималар, ахборот технологиялари ва коммуникациялари, транспортга оид ва ҳуқуқий масалалар, таълим, фан ва маданият, меҳнат ва аҳоли бандлиги, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа турли масалаларига оид саволларга жавоблар мавжуд. Керакли саволга жавобни калит сўзлар ёрдамида излаб топиш имконияти ҳам яратилган.

Махсус статистика модули орқали қайси саволларнинг жавоби энг кўп ўқилганини таҳлил қилиш мумкин. Энг кўп танишиб чиқилган мавзу автоматик равишда юқори поғонага кўтарилиб бораверади.

Янги бўлим мурожаатчини қизиқтирган савол кўп бериладиган саволлар сирасига кирса ва унинг жавоби маълум бўлса, уни мурожаат йўлламасдан ҳам топиш имконини тақдим этиши билан аҳамиятлидир.

ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ОНЛАЙН РЕЖИМИДА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ОЛИШ МУМКИН

Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай бўлган шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича малакали юридик ёрдам берилишини таъминловчи **"Онлайн маслаҳатчи"** модули яратилди. Бу модул **"Кўп бериладиган саволлар"** бўлими билан ҳамоҳанглиқда ишлайди.

Бунда турли тармоқлар ва фаолият соҳалари бўйича маслаҳатчи сифатида жалб этилган малакали мутахассислар жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериб бориши ва мазкур хизмат шу йил 15 февралдан бошлаб тест режимида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мурожаатларнинг салмоқли қисмини ҳуқуқий ахборот ёки маълумот олиш мақсадида юборилган мурожаатлар ташкил этади. Фуқаролар ҳаётда учрайдиган турли-туман масалаларда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун ҳам Виртуал қабулхонага мурожаат қилар ва мурожаат кўриб чиқилиб, жавоби мурожаатчига етиб боргунича анчагина вақт талаб қилинар эди.

"Онлайн маслаҳатчи" хизмати Виртуал қабулхона орқали савол юбориб, онлайн режимида юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан тезкор ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини тақдим этмоқда. Эндиликда у ёки бу масала бўйича ҳуқуқий ахборот олиш учун бир неча кун жавоб хати келишини кутиш зарурати қолмайди. Бу, ўз навбатида, порталда рўйхатга олинаётган, фақат ҳуқуқий маълумот олиш назарда тутилган мурожаатлар сони қисқаришига, давлат органларида бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлаш сифати ошишига хизмат қилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий маълумот олишга бўлган эҳтиёжлари тезкор равишда таъминланишига эришилади. **"Онлайн маслаҳатчи"** модули орқали кўп бериладиган саволлар мунтазам таҳлил қилиниб, шу асосда **"Кўп бериладиган саволлар"** бўлими тўлдириб борилади.

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ ОРҚАЛИ ҲАМ МУРОЖААТ ЙЎЛЛАШ МУМКИН

"Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ва уларга мурожаат юбориш" модули жорий қилинди. Бу билан **pm.gov.uz** манзилида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ягона базада жойлаштирилди. Яъни давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар қабулига доир маълумотлар – қабул кунлари, вақти, тегишли телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, давлат органининг манзили ҳақидаги маълумот бир жойда жамланди.

Айрим ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қизиқтирган масала учун қайси давлат органи масъул экани борасида етарли билимга эга бўлмайди. Шу боис мазкур модулда алоҳида **"Функция ва вазифалар"** бўлими ташкил этилиб, давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ функция ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш имконияти яратилди.

Ҳозир турли бўғиндаги раҳбарларнинг виртуал қабулхоналарига мурожаат йўллаш шакллари турлича бўлиб, уларнинг расмий веб-сайтларида бу ҳақда эълон қилинган. Бироқ уларни излаб топишда ноқулайликлар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқароларга портал базасида ўз мурожаатларини бевосита тегишли давлат органларига юбориш имкониятини тақдим этиш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг шахсий виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаш шакллари бир жойга жамланди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай йўсинда йўлланган мурожаатлар билан ишлаш жараёни ҳам доимий равишда назорат қилиб борилади.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТ БИЛАН ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ҲАМ ТАНИШИШ МУМКИН

"Халқ қабулхоналари манзиллари" бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш мумкин. Барча Халқ қабулхоналарининг манзили, телефон рақамлари, электрон почтаси, геолокация маълумотлари ва бошқа фойдали материаллар қулай тартибда тақдим этилмоқда. Фуқаролар ва тадбиркорлар керакли Халқ қабулхонаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон интерактив харитаси орқали топиши мумкин. Алоҳида олинган Халқ қабулхонасининг жойлашган манзили онлайн харитада ёки сунъий йўлдошдан суратга олинган харита режимида кўрсатилган.

МАҲАЛЛАНГИЗНИ КЎРСАТИНГ ВА МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҲИССА ҚЎШИНГ

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида фуқаро мурожаат юбориш жараёнида ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши учун имконият яратилди. Бу муаммога ечим топиш даражасини янада оширади. Шу йўл билан мурожаатда кўтарилган муаммо муайян ҳудуддаги қайси секторга тааллуқли экани аниқланади. Айни пайтда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудида қандай муаммолар мавжуд эканини онлайн таҳлил қилиш, уларни комплекс ҳал этиш учун яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар, "йўл харита"лари ишлаб чиқиш имкониятлари кенгаяди.

ТАЪҚИБ БЎЛСА, ТЕЗКОР ХАБАР БЕРИШ МУМКИН

Виртуал қабулхонадаги яна бир янгилик – мурожаатчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида **"Таъқиб ҳақида хабар"** модули жорий қилингани бўлди. Агар кимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади.

МУРОЖААТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Энди порталда фуқаролар ўз мурожаатини юборишдан аввал мурожаат юбориш қоидалари билан танишгани ва бу борада қонунда белгиланган масъулияти тўғрисида хабардор эканини тасдиқловчи белги қўяди. Бу мурожаатчиларнинг ҳам масъулиятини оширишга, мурожаат маданиятини юксалтиришга туртки беради.

Шу пайтга қадар айрим мурожаатчилар томонидан мурожаат юбориш жараёнида бошқа шахсларга тегишли бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган телефон рақамини кўрсатиш, бошқа фуқаролар номидан мурожаат юбориш ҳолатлари учраб турарди. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш муайян вақт ва ресурсларни талаб қилишини, аниқ мақсадсиз мурожаат учун сарфланган вақтни бошқа асосли ариза ёки шикоят устида ишлашга йўналтирган ҳолда муаммони ҳал қилиш фуқаролар учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдали эканидан келиб чиқиб, янги тизимда мобиль телефон рақамини тасдиқлаш механизми жорий этилди.

Бунда мурожаатчи махсус мурожаат шаклига ўз мобиль телефон рақамини киритади. Шундан кейин мурожаатчининг мобиль телефонига бир марталик пароль СМС-хабар шаклида юборилади. Натижада ҳам мурожаат аниқлиги ва ишончлилиги ортади, ҳам мобиль телефон рақами тасдиқланади. Бу барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Шу пайтгача фуқаролар ва тадбиркорлар ўз мурожаатлари кўриб чиқилишининг жорий ҳолатини исталган вақтда базага махсус рақамни киритиш йўли билан текшириб кўриш имкониятидан фойдаланиб келаётган эди. Янги талқиндаги тизимда мурожаатнинг қабул қилингани ва назоратдан ечилгани тўғрисида тасдиқланган мобиль телефон рақамига СМС-хабарнома юборилиши йўлга қўйилмоқда.

ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИБ БОРИНГ

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти, ижобий ҳал этилган масалалар, Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари тўғрисидаги янгиликлар билан янада кенгроқ танишиш имконияти яратилди. Порталга келиб тушган ва кўриб чиқилган мурожаатларнинг умумий сонини, статистик маълумотларни реал вақт режимида кузатиш имконияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, Виртуал қабулхонанинг янги талқини жисмоний ва юридик шахсларга самарали ахборот, интерактив хизматларни тақдим этиш билан бирга, фуқароларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш имконияти ва қулайлиги даражаси ошишига хизмат қилади.

ЎзА

Қашқадарё вилояти

МУНОСАБАТ

Шаҳрисабз шаҳридаги "Коба" маданият мажмуасида давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган учрашувдан бир олам таассурот олдик. Унда Президентимизнинг санъатни, айниқса, мақомни теран англаши, бу борадаги қиммати фикр ва мулоҳазалари, шунингдек, соҳада мавжуд камчиликлар кузатилаётгани, мақом санъати усталари жуда кам қолгани, уларни қўллаб-қувватлаш кераклиги борасидаги сўзлари бизни тўлқинлантирди.

МАҚОМНИНГ МАВҚЕИ БИЛАН МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ ҲАМ ЮКСАЛАДИ

Бугунги кунда тўй ва шодиёналаримиз камида тўрттадан мақом йўналишидаги қўшиқлар билан бошланиши керак. Ана ўшандагина биз санъатнинг, мақомнинг мазмун-моҳиятини теран англаган бўламиз, дейди Президентимиз.

Мамлакатимизда мақом санъати азал-азалдан ўзининг ўлмас ва ўчмас тарихига эга. Буюк ҳофизу ҳофизалар томонидан ижро этилган ҳаётбахш наволар кўнгилларга ҳузур, дилларга сурур бағишлайди. Айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало, ёш авлодни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялашда мақом санъатининг кенг имкониятларидан фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш режалаштирилган.

Учрашувда Ўзбекистон санъат арбоби Элмурод Бойназаров "Президент совғаси" сифатида тўрт хонали замонавий уй-жойга лойиқ кўрилди. Ўзбекистон Халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродовга ҳам ана шундай эҳтиром кўрсатилди. Бу, санъатимиз жонкуярлари меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Шунингдек, мазкур соҳа равнақи ва ривожи йўлида самарали меҳнат қилаётган устозларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шаҳрисабздаги маданият саройида мақом маркази, музей очилиши, ҳар битта мактабда мақомчилар гуруҳларининг ташкил этилиши эса буюк меросимизга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Ҳа, миллатнинг бой мероси яшар экан, у яна бойиб борар экан, маънавиятимиз ҳам юксалиб бораверади.

Исоқ ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида турли касб эгалари билан дилдан мулоқоти уларнинг ғайрат ва шижоатини янада ошириб юборди. Бу кун бизнинг корхонамиз жамоаси ҳаётида тарихий кун бўлиб қолди.

ИШОНЧГА МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРИШИМИЗ ШАРТ

Президентимиз корхонамизда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан батафсил танишди. Маҳсулотларни ҳам ички, ҳам ташқи бозорга йўналтираётганимиздан мамнун бўлди ва фаолиятимизга юқори баҳо берди.

Австралия, Польшадан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган корхонамиз бир кеча-кундузда йигирма тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга. Бир кеча-кундузда 12 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда 1,5-3 литрли махсус идишларга шарбат қадоқлаяпмиз. 20 гектар майдонда боғ ташкил қилган эдик. Ўтган йили ундан 80 тонна олма ҳосили олдик. Туманимиздаги томорқа хўжаликлари, фермерлардан ҳам меваларни шартнома асосида харид қиляпмиз.

Давлатимиз раҳбарининг бизга билдирган ишончи, тадбиркорларга яратиб бераётган имкониятларидан ниҳоятда руҳландик. Бир олам орзулар билан ишга киришдик. Мақсадларимиз янада кенгайди. Зеро, ишончга муносиб жавоб беришимиз шарт.

Анзур НОРМУРОДОВ,
Яккабоғ туманидаги "Дармон шарбатлари" хусусий корхонаси раҳбари.

Фарғона вилояти

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЭШ БЎЛАЙЛИК

Данғара туманининг Қирқлар қишлоғида ҳам тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Қишлоқ марказида, шундоқ йўл ёқасида жойлашган улкан клуб ва ҳаммом биноси узоқ йиллар кўзга хунук кўриниб, вайрона ҳолда турарди. Албатта, бинодан фойдаланилмагач, унга эътибор ҳам берилмайди: шамол томини қўпоради, деразасини қийшайтиради, синдиради, деворлари вақтида таъмир қилинмагач, қор ва ёмғирда қораяди.

Кейинги бир йил ичида кўплаб йўналишлар қатори хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ўзгаришлар сезилди. Хусусан, электр таъминотидаги узилишларнинг бартараф этилиши, давлат томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар сабаб қишлоқда бўш ётган, вайронага юз тутган бинолар ҳам бошқатдан чирой оча бошлади. Бир неча ой ичида, тилга олганимиз, кўҳна клуб биносида маҳаллий тадбиркор пойабзал тикиш цехини ташкил қилди. Шунингдек, клубга ёндош маҳалла фуқаролар йиғининг бўш ётган хоналарида тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Маъмурий бинонинг бошқа бўш ётган хоналари ҳам шу кунларда таъмирланмоқда. Уларда ёш тадбиркорлар тикувчилик цехи ташкил этишни мўлжаллаган. Биз Комилжон Турдалиев ва Олимжон Жўраевларнинг пойабзал цехида бўлиб, ғайрат билан ишлаётган косиб йигитлар билан суҳбатлашдик, иш шароитлари, ишчиларнинг маошлари билан қизиқдик.

– Маошимиз ишбай, қанча маҳсулот тайёрласак, шунга яраша пул оламиз, – дейди икки йил бурун коллежни тамомлаган Азамат исмли йигит.

"Бир кунда неча сўмлик иш бажаришингиз мумкин?", деган саволимизга у "Юз минг", деб жавоб берди.

– Баъзан сабаб бўлиб ишга чиқмай қоламиз, умуман айтганда, бир ойлик ишлаб топган пулимиз 1,5-2 миллион сўмдан кам бўлмайди, – дея қўшимча қилди.

Цехда ўттиздан зиёд ёшлар меҳнат қилиб, пул топяпти. Суриштириб билдикки, Қирқлар ва унга ёндош Эшонбобо қишлоғидан Қўқон шаҳрида ҳам юздан зиёд ёш йигитлар косиблик билан банд экан. Қирқлар қишлоғининг қиз-аёллари Қўқон шаҳрига бориб тикувчилик, тўқимачилик, ип йигириш каби ишлар билан шуғулланишади. Биз улар билан ҳам суҳбатлашиб, ойлик иш ҳақлари миқдорини сўрадик.

– 400 дан 600 минг сўмгача ойлик оламиз, – деди Зарифа исмли аёл.

Бизнингча, 600 минг сўм ҳозирги шароитда кам ҳисобланади. Умид қиламизки, тадбиркорлар ўз ишчиларининг меҳнатини муносиб қадрлашни ўрганади, иш ҳақларини оширади. Улар билишлари керак, давлат яратган шарт-шароитлар самараси ўлароқ, юртимизда тадбиркорлик кун сайин ривожланяпти, янги иш ўринлари пайдо бўляпти. Бундан мақсад эса аҳоли фаровонлигини оширишдир. Бозор шароитида қайси тадбиркор ишчиларга муносиб ҳақ тўласа, ўша тадбиркорга ғайратли, тажрибали ишчилар сувдай оқиб келади, меҳнатни қадрламаган тадбиркор ишчисиз қолиши ҳеч гапмас...

Паҳлавон РАҲИМОВ

Жиззах вилояти

«ҲАЁТИМДАГИ ЭНГ УНУТИЛМАС КУН»

Жиззах вилояти ҳокимлигида Президентимизнинг 2017 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 6 нафар юртдошимизга фуқаролик паспорти тантанали топширилди.

Улар орасида Моҳигул Холиқова ҳам бор.

– Президентимизнинг фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганим ҳаётимда энг унутилмас воқеа бўлди, – дейди Зарбдор туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Моҳигул Холиқова. – Тожикистон Республикасида туғилганман. Миллатим ўзбек. Ўзбекистонда яшаб, шу заминда бахтимни топдим. Бугун энг катта орзуим ушалди. Ўзбекистон фуқароси бўлиш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Шу азиз Ватанимнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида бутун куч ва билимимни сарфлаб, элимиз равнақи йўлида меҳнат қиламан.

Шу куни фуқаролик паспортини олган бошқа фуқаролар қалбини ҳам шундай хушбахтлик кайфияти, давлатимиз ғамхўрлигидан мамнунлик тўлдирди.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э.Солиев иштирок этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд вилояти

Оқдарё туманида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ректори, иқтисод фанлари доктори, академик Қаландар Абдураҳмоновнинг туман зиёлилари, ўқувчи-ёшлар билан учрашуви ўтказилди.

АКАДЕМИК ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Хусусан, академик ўқувчилар, талаба-ёшлар билан бўлаётган учрашувларда ҳудудларда таълим жараёнларидаги муаммоларни ўрганиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юзага чиқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Тумандаги 45-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг етарли билим олишлари учун яратилган шароитлар билан танишди, бошланғич ва юқори синф ўқувчилари билан бўлган суҳбатлар жараёнида ёшларнинг келгуси режалари, орзу-умидлари билан қизиқди, илмга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаб, ўқувчиларга эсдалик совғалари топширди. Туман марказидаги маданият ва аҳоли дам олиш масканида туман фаоллари, ўқитувчилар, ёшлар иштирокида ўтказилган учрашувда академик Қаландар Абдураҳмонов Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм-фан тараққиёти, юртимиз илм-фанининг халқаро нуфузини ошириш, олий таълим соҳасини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш ва шу орқали илмли ёшларни камол топтириш борасида белгиланган вазифалар хусусида гапириб, учрашувдан мақсад туман мактабларининг илмий-маърифий фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларнинг билим олишга бўлган интилишларини, инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур маслаҳатлар беришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Учрашувда ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Нуриддин БОЛИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

СУВ КАМ БЎЛГАНДА...

Ҳа, қишлоқ хўжалигида жорий йил сув тақчил бўлиши кутилмоқда. Таҳлилларга қараганда сув етишмовчилиги бутун вегетация даврида ҳам давом этиши мумкин.

Сув тақчиллиги сезилаётган шароитда суғориш технологияси интизомига қатъий риоя этиш талаб қилинади. Бунда экинлар ривожини тезлатиш ва сув камчилигига қарши самарали кураш олиб боришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Суғориладиган ҳар бир участкада суғориш муддатлари ва меъёрларини сув билан таъминланганлик, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлар чуқурлигини қатъий ҳисобга олиб белгилаш лозим. Шунингдек, ғўза нави, эгат кенглиги, сувчилар ҳамда суғориш ашёлари билан таъминланганлик даражаси ва бошқа омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, бу жараёндаги энг асосий агротехник тадбирлардан бири маҳаллий ва компост ўғитлардан самарали фойдаланишдир. Ерга солинган маҳаллий ўғитлар микроорганизмлар ёрдамида парчаланиши натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид тупроқдаги фосфорга таъсир кўрсатиб, унинг эрувчанлигини кучайтиради. Тупроққа қанча кўп маҳаллий ўғит солинса, шунча кўп углевод ажралиб чиқиб, ўсимликнинг ҳаводан озиқланиш (фотосинтез) жараёнини қулай ҳолатга келтиради. Натижада ўсимликнинг сувсизликка чидамлилиги ошади.

Наманган туманидаги "Абдураҳим ота" фермер хўжалиги экин майдонининг 7 гектарига маҳаллий ўғитни навбатлаб, гектарига 14-15 тоннадан бериб, ишлов ўтказилди. Натижада одатдаги парваришдаги ғўзага нисбатан суғоришлар сони бир мартага камайиб, гектаридан 800-900 метр куб сув иқтисод қилинди. Энг муҳими, ғўза қатор ораларига ишлов бериш сони ҳам 2 мартага камайди, гектарига 5 центнер қўшимча ҳосил олинди.

Таъкидлаш жоизки, биринчи суғоришда ҳар гектар майдонга ўртача 700-800 куб метр сув қатор оралатиб берилади. Сув сарфи енгил тупроқли майдонларда гектарига 600-700 куб метр, ўрта таркибли тупроқли ерларда 700-800, оғир тупроқли далаларда 800-900 куб метр бўлиши керак. Гуллаш даврида 200-300 куб метр сув кўп сарфланади. Гектарига бундан ортиқча берилган сув илдиз қатламидан пастга ортиқча сингишига, ғўзанинг бўкишига олиб келиши мумкин.

Фермерларга ва бошқа сувдан фойдаланувчиларга обиҳаётни навбатлаб беришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Гуллашгача бўлган даврда тупроқнинг 50-70 сантиметригача нам борса, етади.

Суғориладиган майдоннинг бир текис намланиши ва обиҳаётни тежамли тараш учун эгат узунлигига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Бу ишни тупроқ хилига, ернинг нишаблигига ва ғўза қатор ораларига боғлиқ ҳолда мувофиқлаштириш лозим. Шуни ҳисобга олиб, бу йилги шароитда сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва енгил қумоқ тупроқларда ғўза қатор ораларига 60 сантиметр бўлган далаларда узунлиги 60-70 метрдан, сувни суст шимадиган оғир тупроқли пайкалларда эса тегишли равишда 80-90 ва 90-100 метрдан ошмаслиги керак. Булар билан бир қаторда сувдан тежамли фойдаланишда Чуст тумани хўжаликларининг суғоришни қисқа эгатлар (40-50 метр) орқали "Чуст усули"да ўтказиш тажрибаси диққатга сазовордир.

Шунингдек, ғўзани фосфор ва калий унсурлари билан етарли даражада таъминлаш ва тупроқнинг сув шимиш қобилиятини яхшилаш мақсадида ноанъанавий агрорудалар (бентонит, глауконит лойқалари) ва бошқа захиралардан фойдаланиш мумкин. Бунда ғўзани озиқлантиришда гектарига 250-300 килограмм меъёрда уч марта – экишдан олдин, шоналашда ва гуллаш даври бошида маҳаллий ўғитлар ва ноанъанавий агрорудалар асосида тайёрланган компосталарни гектарига 20-25 тонна қўллаш фойда беради. Шу усул орқали 1-1,5 марта суғориш сони қисқариб, 800-1200 куб метр обиҳаёт тежалади. Чиритилган гўнг шарбат усулида қўлланилганда ҳам сув бўғланиши камаяди, сув тупроққа яхши сингади, намлик сақланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим хўжаликларда гўнг очиқ ва сочилган ҳолда сақланади. Бундай сақланган гўнгда озиқ ва озуқа элементларининг камайиши кузатилади. Илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига қараганда, очиқ ҳолда сочма равишда сақланган гўнгнинг ҳар бир тоннасидан 23-24 фоиз қуруқ модда ва 44 фоизгача умумий азот йўқолади.

Маҳаллий ўғитлар (гўнг, компост) таркибидаги озиқ моддаларнинг беҳуда йўқотилишига йўл қўймаслик учун устига 10 – 15 сантиметр тупроқ бостирилиб, вақтивақти билан сув сепиб туриш лозим.

Ғўза гуллаган пайтида вегетацион суғоришни ҳар бир эгат орқали ўтказиш керак, қолган пайтда бир эгат ташлаб суғорса ҳам бўлади. Бир эгат ташлаб суғориш юқори ҳосил етиштириш ва сувни 25 фоизгача тежаш имконини беради.

Сувдан унумли фойдаланиш учун хўжалик ички ва хўжаликлараро сув тақсимотида аниқ ҳисоб-китоб жорий этилиши даркор. Кенг майдонларни (10 – 15 гектар) суғориш учун бир неча кишидан иборат сувчилар гуруҳи ишлаши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, юзаси ишлов берилганда текис чиққан майда кесакли далада нотекис, йирик кесакли юзага қараганда намнинг буғланиши 25-35 фоиз кам бўлади. Ҳар бир тадбирни ўз вақтида, кўнгилдагидек ўтказиш мўл ҳосилга замин қўйиш демакдир.

АҚШда ҳам сувни тежаб-тергаб, экинларни қондириб суғориш аксарият фермерларнинг доимий ташвишидир. Бу ерда энг кўп тарқалган суғориш усули биздагидек эгатлаб суғоришдир. Бунда сув тупроқ шароитига қараб, ҳар бир эгатга ёки эгат оралатиб таралади. Тупроқ рельефидан келиб чиқиб томчилатиб суғориш усуллари ҳам ривожланиб бормоқда. Шундай бўлса-да, у ерда сув биздагига қараганда икки баробар кам сарфланади. Негаки, уларда ариқ ва ўқариқлар йўқ. Шунингдек, оқава бўлмайди. Яъни обиҳаёт тўплагичлардан 1,5-1,8 метр чуқурликда кўмилган қувурлар орқали ғўза экилган далаларга боради ва алюминий қувурларга уланади. Сув қувурларидаги тешикчалардан эгатларга оқади, эгат охирига етиб бориши билан суғориш тўхтатилади.

Греция ва Болгария фермерларининг кўпчилиги сувни тежаш учун енгил тупроқларга экилган ғўзаларни ёмғирлатиб суғоришга эътибор қаратадилар. Албатта хориж агротехнологияларини ўрганиш, уларнинг афзал жиҳатларини амалга татбиқ этиш ютуқ ва муваффақиятларимизнинг янада ошишига омил бўлади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор.

Маълумки, мўътадил иқлим шароитимизда замонавий технологиялар асосида қўёш иссиқлиги ёрдамида кўп хонадонли уйларни иситишнинг катта имкониятлари мавжуд. Шу боис кейинги пайтларда қайта тикланувчи қуёш энергиясидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КЎПХОНАДОНЛИ УЙЛАР УЧУН МАҚБУЛ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛ

Хўш, унинг афзалликлари нималарда кўринади?

Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида республикамизда иссиқлик таъминоти тизимига энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этиш устувор вазифалардан этиб белгиланган.

Албатта, кўпқаватли уйлардаги хонадонларни юртимиз иқлим шароитида инновацион технологиялар воситасида иситиш имконияти юқори. Шунга қарамай, кейинги пайтда кўпқаватли уйлардаги ҳар бир хонадон учун алоҳида иситиш тизимини ўрнатиш амалиёти аксарият ҳудудларда жорий этилмоқда. Хўш, ҳар бир хонадонга алоҳида ўрнатилган мазкур индивидуал иситиш тизими қайси жиҳатлари билан умумий иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш тизимларидан устун туради? Аслида, қай бири афзал ва самарали? Бу масалага ойдинлик киритиш учун иккала усулнинг ўзига хос жиҳатларини таққослаб кўриш жоиз. Қибрай тумани Бобур маҳалласидаги уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари, муҳандис Фазлиддин ШОУМАРОВ бу борада қуйидаги фикрларни билдирди:

– Иситиш тизимларидан табиий газ воситасида фойдаланилади, – дейди у. – Агар кўпқаватли уйнинг ҳар бир хонадонига иситиш воситаси ўрнатилганида, табиийки, хавф ортади. Ўрнатилган иситиш воситалари доимий назоратга олиниб, тегишли профилактика амалларини бажариб туриш керак бўлади. Шу билан бирга, иситиш қозонининг иссиқлик алмаштирувчи мис қувурчаларини ҳар йили махсус эритма билан тозалаб туриш талаб этилади. Буни ҳар ким ўзича амалга ошириши мақсадга мувофиқ эмас. Умумий иситиш тизимида эса кичик газ иситиш воситаларининг сони 3-4 марта камаяди ва ягона бошқарув нуқтаси орқали мутахассиснинг доимий назорати остида фойдаланилади. Бундан ташқари, индивидуал иситиш тизимида қайта тикланувчи, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилмаган. Умумий иситиш тизимида эса, аксинча, вакуум қуёш иситиш коллекторларидан фойдаланиш белгиланган. Қолаверса, табиий газ ўрнига бошқа муқобил ёқилғи манбаларидан иситиш тизимига ҳеч қандай техник ўзгартириш киритмасдан фойдаланиш мумкин.

Индивидуал иситиш тизимида табиий газ етказиб бериш борасида ҳам талай муаммолар вужудга келади. Айниқса, эрталаб ва кечқурун, ҳамма баробар газ ишлатадиган пайтда узилиш ҳосил бўлади. Умумий иситиш тизимида ёқиладиган газ ҳажми индивидуал иситиш тизимига нисбатан уч баробаргача камаяди. Ертўлага ўрнатиладиган катта ҳажмдаги иссиқ сув омбори (бойлер) ҳисобига иситиш ва иссиқ сув етказиб бериш узлуксиз таъминланади.

Энди харажатларга келадиган бўлсак, бунда ҳам каттагина фарқ сезилади. Умумий иситиш тизими салкам уч баравар арзонга тушади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Кўпқаватли уйда яшаётган аҳолининг моддий имконияти турлича. Ҳамманинг ҳам ўзига алоҳида иситиш тизими ўрнатишга қурби етмайди. Бу эса бир уйда яшовчи истеъмолчилар орасида табақаланиш, ҳатто зиддият ҳосил қилиши мумкин. Тасаввур қилинг, бир подъезддаги икки хонадоннинг бири ўзига алоҳида иситиш тизимини ўрнатди. Иккинчисида эса бунга имконият йўқ. Қишнинг совуқ кунида улар учрашиб қолишади. Иссиқда ўтирган совуқда ўтирган қўшнисини кўриб, ноқулайлик сезиши мумкин. Совуқ уйда ўтирган одамда эса нима учун шунча йилдан бери ишлаб турган марказлаштирилган иситиш тизими тугатилди, бунга ким айбдор, каби саволлар туғилиши табиий. Шундай экан, моддий аҳволидан қатъи назар, барча истеъмолчи бир хилда сифатли ва узлуксиз иссиқлик билан таъминланиши керак. Умумий иситиш тизимининг афзаллиги бизга шундай имкониятни беришдадир.

Раимқул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Илҳом ҳамиша олдингга келавермайди. Шундай экан, уни қаерда учратсанг, ўша жойда ушлаб ол.

* * *

Қаршилик кўрсата оладиганларга қарши бориш – эр кишига хос иш.

* * *

Пул эмасман, ҳаммага ёқадиган.

* * *

Ҳақиқатни излашдаги энг муҳим ишлардан бири – юзаки мулоҳазаларни топиш ва улардан дарҳол воз кечишдир.

* * *

Аксар тўхташлар ортиқча тезлик туфайлидир.

* * *

Эй инсон! Цицерон айтганидек, "Қанчалик донишманд бўлсанг ҳам совуқда қолсанг, қалтирайсан". Бундан хулоса чиқар!

* * *

Илмлиликни вақти келганда ёғли сут берадиган говмиш сигирга ўхшатиш мумкин. Ўша вақт эса зотдор бузоқни танлаб, яхшилаб боқиб, катта қилгандан кейингина келади.

* * *

Одамларнинг бир-бирини эшитмасликларига, уларнинг қулоқсизликларидан кўра сабрсизликлари кўпроқ сабабчи.

* * *

Ўйлаганимиз доим тўғридек туюлади.

* * *

Қилган хатоларингизни ёшлигингиз билан оқлашга ўрганманг.

* * *

Соғлиқни эҳтиёт қил. ... Бошқаларникини ҳам.

* * *

Агар биров амал ҳар нарсага қодир деган фикрда бўлса, билингки, у ҳеч қачон амалдор бўлмаган.

* * *

Сизни кимдир ёш кўринасиз дея бошласа, билинки, сиз қариянсиз, у эса юпатяпти.

* * *

Киши ўз камчиликларини йўқотиб боришни ўрганмаса, унинг ютуқлари ҳам камайиб бораверади.

* * *

Билакка боқма, юракка боқ.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
профессор.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган пиллачиликни ривожлантириш борасида замонавий талаблар ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда иш юритиш давр талабидир. Бироқ ўтган йиллар давомида кўзланган натижаларга эришилмасдан, айрим жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги ҳам бор гап.

ПИЛЛАЧИЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Хусусан, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, мавжуд тутзорлардан фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш ва мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароитларига мос келадиган, озуқа қиймати юқори бўлган тут кўчатларини экиш, парваришлаш талаб даражасида эмаслиги, қаровсиз қолдирилганлиги ва кесиб кетилаётганлиги тут дарахтларининг камайиб кетишига ҳамда уларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга пасайиб боришига олиб келган.

Мисол учун, ҳисоботларда республика бўйича 73699,7 минг дона якка қатор тутлар мавжудлиги қайд этилган. Лекин ўтган йилги хатловда шу турдаги дарахтлар 45640,8 минг дона ёки ҳисоботга нисбатан 28058,9 минг дона кам эканлиги аниқланган. Натижада бу ҳолат пиллачиликка салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси маълумотига кўра, 2017 йил учун пилла етиштириш режа кўрсаткичи 48 фоизга бажарилган. Бунинг оқибатида пиллани қайта ишлаш корхоналари тўлиқ қувват билан ишламай, иш ўринлари қисқариб кетган. Масалан, Тошкент вилоятидаги "Равнақ силк" қўшма корхонаси 1,9 тонна ёки йиллик қайта ишлаш қувватига нисбатан 1,3 фоиз, Хоразм вилоятидаги "Хоразм ипаги" МЧЖ 81,3 тонна ёки йиллик қайта ишлаш қувватига нисбатан 37,6 фоиз кам миқдорда пилла қабул қилган.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан назорат тадбирларида айрим мансабдор шахслар томонидан жиддий қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, "Улуғнор пилла тайёрлов" МЧЖ раҳбари жамият агрономи билан тил бириктириб, ўтган йилнинг 11 февраль куни "Улуғнорлик Дилёрбек боғлари" фермер хўжалиги раҳбаридан 2017 йил учун пилла харид қилиш шартномасини тузмаслик эвазига 1 миллион сўм пул талаб қилиб, таъмагирлик йўли билан 500 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

"Bekobod kumush tola" шўъба корхонаси раҳбари эса мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, умумий қиймати 65 миллион 906 минг сўмлик пиллачилик ва бошқа турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда растрата қилиш орқали давлатга зарар етказган. Албатта, ушбу ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Соҳада юзага келган тизимли камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг пиллачиликни тубдан такомиллаштиришга оид қарорлари қабул қилинди. Хусусан, республикамизда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида 2017 йил 29 мартда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолияти йўлга қўйилиб, унинг таркибига тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи ташкилотлари муассислигида янгидан ташкил этиладиган "Ипаксаноат" минтақавий жамиятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар "Пилла" ҳудудий бирлашмалари негизидаги "Агропилла" МЧЖлар, туман ва туманлараро "Пилла" МЧЖлар негизида ташкил қилинган туман "Агропилла" МЧЖлар, ипак қурти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани қайта ишлаш ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар киритилди.

Эътиборлиси, 2023 йил 1 январгача ипак қурти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ҳамда пиллачилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни ишлаб чиқаришдан олинадиган даромадлар юридик шахсларнинг ягона солиқ тўловига тортилмаслиги белгиланди. Шунингдек, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибига кирувчи ҳамда соҳага дахлдор ташкилотлар томонидан олиб келинадиган пилла йигириш ва ипак газлама тўқиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти кўчатлари, ипак қурти уруғлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан, уй шароитида пилла етиштириш билан шуғулланувчи (касаначи)лар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилди.

Пилла етиштирувчи ташкилотлар ҳам касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод қилинди.

Пиллачилик тармоғи ишчилари ва касаначиларнинг қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсумда ишлаган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритилди.

Уюшма аъзолари манфаатларини кўзлаб, давлат божини тўламасдан судга даъво аризаларини тақдим этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги "2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори билан мазкур йилларда пиллачилик тармоғини ва тармоқ озуқа базасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгиланди. "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибига кирувчи 24 та корхонани модернизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли дастури ҳамда жами 55 банддан иборат бўлган пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қарорлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш, соҳада қонунийликка қатъий риоя этиш мамлакатимизда пиллачиликни янада ривожлантириш, турли суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда муҳим омил саналади.

Нодир ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.

Сурхондарё вилояти

Воҳа деҳқонлари ўтган йилни ижобий натижалар билан якунлади. Айниқса, пахтакорлар мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириб, белгиланган режани ортиғи билан бажаришди.

ЕР ТЎЙСА – ЭЛ ТЎЯДИ

Бу жараёнда Қумқўрғон ва Шўрчи туманлари миришкорлари, айниқса, фаоллик кўрсатиб, ўзларининг билими, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигини намоён этишди. Албатта, улар эришаётган ютуқлар замирида фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани мужассамдир. Кейинги пайтларда экинларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан картограмма асосида озиқлантиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу эса қийин об-ҳаво шароитида ҳам мўл ҳосил олиш имконини бермоқда.

Маълумки, йиллар давомида мамлакатимизда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга панжа орасидан қараб келинди. Жумладан, экин майдонларини минерал ўғитлар билан озиқлантиришга, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда пестицидлардан фойдаланишга зўр берилди. Оқибатда ерларимиз касалланиб, тупроқ таркиби бузилди. Бугуннинг вазифаси экин майдонларининг табиий қувватини оширишдир. Бунинг учун маҳаллий ўғитдан фойдаланишни йилдан-йилга кучайтириб бориш, зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда биологик усулни кенг қўллаш зарур. Чунки тупроқни зарур озуқалар билан бойитишда маҳаллий ўғитнинг ўрни катта. Айни кунларда дала четларини зараркунандалардан, бегона ўтлардан тозалаш ишларини олиб бориш ҳам кечиктириб бўлмайдиган юмушлардан. Шундай экан бу йўлда барча куч ва имкониятларимизни ишга солайлик ва жорий йилда ҳам мўл, сифатли ҳосил етиштириб, кўзлаган мақсадимизга етайлик!

Аъзам ҲАЗРАТҚУЛОВ,
пенсионер.

Хоразм вилояти

Президентимизнинг 2017 йил 4 майдаги "2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ТУРИЗМ

КЎҲНА ШАҲАРЛАРНИНГ НАВҚИРОН УМРИ

Тасдиқланган дастурда Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива йўналиши бўйича асосий туризм марказларини боғловчи темир йўл ҳамда Хива шаҳрида замонавий вокзал қуриш кўзда тутилган эди. Унга кўра, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан шу кунгача 168 минг метр куб тупроқ ишлари бажарилиб, 2200 метрлик темир йўл излари ётқизилди.

Хива шаҳрига хорижий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида Европа, Осиё ва МДҲ мамлакатларидан доимий ва чартер авиақатновлари йўлга қўйилди. 2017 йилнинг апрель ойидан парвозини бошлаган "Париж-Урганч", "Милан-Урганч" авиарейси орқали ўтган йили олти минг нафарга яқин сайёҳ вилоятга ташриф буюрди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК томонидан "Тошкент – Урганч – Тошкент" йўналиши бўйича якка ва гуруҳ авиайўловчилар учун чегирмали чипталар жорий этилди.

Экотуризм сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Туяда чўлларни сайр қилиш, кўлларда балиқ овлаш, табиат қўйнида дам олиш каби хизматлар сайёҳларнинг қизиқишини оширади. Айни пайтда "Эшон Равот Тур" хусусий корхонасига қарашли экотуризм масканида сайёҳлар учун туяларда сайр қилиш машғулоти йўлга қўйилди. "Хива Қоракўл" фермер хўжалиги ҳудудидаги кўлда эса балиқ овлаш жойлари ташкил этилди.

Хива шаҳри ва қадимий Хоразм рамзлари тасвирланган эсдалик совғаларини махсус қадоқланадиган ўрамларда ишлаб чиқариш ҳамда сотиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Co1d tur" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 4 хил кўринишдаги сувенир тангалар интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилинмоқда. "Ичан-қалъа" мажмуасида 58 нафар ҳунарманд эсдалик совғалари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланмоқда. Улар томонидан ёғоч ўймакорлиги асосида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий чопон ва дўппилар, қўлда тўқилган гилам ва газламалар, кулолчилик буюмлари, ўйинчоқлар, миниатюра, рангтасвир, наққошлик санъатига оид нафис буюмлар сайёҳларга манзур бўлмоқда.

Хоразмлик тадбиркор ва ҳунармандлар хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда ҳам фаол иштирок этиб, сайёҳларни юртимизга кенг жалб этишга кўмаклашмоқдалар. Бир гуруҳ ҳунарманд ва усталар, туризм ташкилотлари, меҳмонхоналар вакиллари 2017 йилнинг 7-10 декабрь кунлари Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган "Travel Turkey Izmir-2017" ярмаркасида фаол иштирок этишди.

Сайёҳлар учун қулай шароит яратиш туризм ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Урганч шаҳри халқаро аэропорти ҳамда автовокзалида сайёҳлик ахборот офисларининг ташкил этилгани мамлакатимиз билан яқиндан танишмоқчи бўлган хорижликларни мамнун этмоқда. Реставрация ва таъмирлаш ишлари якунланган "Нуруллабой" мажмуасида галерея, ҳунармандлар устахонаси ва миллий кийимлар кўргазмаси, миллий таомлар ресторани ташкил қилинди. Урганч туманида жойлашган "Уллиҳовли" мажмуасини халқаро туризм йўналишларига киритиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Дастурга мувофиқ, 2017-2021 йилларда вилоятда жами 12 та янги меҳмонхона ишга туширилиб, улардаги мавжуд ўринлар сони 3000 тага етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги "Хоразм вилоятига ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини янада ошириш ҳамда Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури"га асосан вилоятда ички туризмни ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Унга кўра маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар, корхона ва ташкилотларга тегишли меҳнат жамоаларининг Ўзбекистон бўйлаб тизимли равишда саёҳат қилишларини таъминлаш кўзда тутилган.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ФУТБОЛ

Жорий йилнинг 30 январь куни футбол бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионлар лигаси плей-офф баҳсларида мамлакатимизнинг икки жамоаси гуруҳ босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш олиб боришди.

«НАСАФ» ГУРУҲ БОСҚИЧИДА «ПАХТАКОР» ЭСА...

Эслатиб ўтамиз, ОФК регламентига кўра, плей-офф ўйинлари фақат битта ўйиндан иборат бўлади ва жавоб учрашувлари ўтказилмайди. Агар асосий вақтда ғолиб аниқланмаса, қўшимча таймлар белгиланади. Унда ҳам тенглик бўлса, пенальтилар серия-сига мурожаат қилинади ва ғолиб жамоа гуруҳ босқичига йўл олади.

Миллий чемпионатимизда мавсумни аъло даражада ўтказиб, уни иккинчи ўрин билан якунлаган Рўзиқул Бердиев бош мураббийлигидаги Қаршининг "Насаф" жамоаси "Марказий" стадионда Иорданиянинг "Ал Файсали" жамоасини меҳмон қилди.

"Аждарлар"нинг тўлиқ устунлигида ўтган баҳсда "Насаф"нинг бешта голига меҳмонлар бир бора жавоб бера олди.

Учрашувнинг 12-дақиқасида Славко Лукич томонидан бурчак зарбаси амалга оширилди. Аъло даражада узатилган тўпни Игорь Голбан бош билан дарвозага аниқ йўллаб, голлар шоусини бошлаб берди. 49-дақиқада Жасур Ҳасановнинг бурчакдан оширган тўпини Бобур Абдухолиқов дарвозага жойлаб қўйди. 52-дақиқада Азизжон Ғаниев жарима майдонидан қайтган тўпга узоқ масофадан аниқ зарба бериб, жамоасининг учинчи голини урди. 61-дақиқада рақиб футболчилари ўз жарима майдончаси ичида Ислом Кенжабоевга нисбатан қўполлик ишлатди. Пенальтидан эса "Насаф" легионери Драган Черан унумли фойдаланди ва ҳисобни 4:0 кўринишига олиб келди. Учрашувнинг 87-дақиқасида Дониёр Нарзуллаев томонидан жарима майдони ичига узатилган тўпни Муҳаммад Ёсир ўз дарвозасига жойлаб қўйди – 5:0. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларнинг сўнгги сониялари ўтиб бораётган вақтда иорданияликлар жарима зарбасидан "Насаф" дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди. Учрашув 5:1 ҳисобида мезбонлар ғалабаси билан якунланди. Шу тариқа "Насаф" "ОЧЛ – 2018" иштирокчисига айланди.

Энди Рўзиқул Бердиев шогирдлари "ОЧЛ – 2018" мусобақаси "С" гуруҳида "Персеполис" (Эрон), "Ал-Садд" (Қатар), "Ал-Васл" (БАА) клублари билан рақобатлашади.

Афсуски, Доҳада "Ал-Гарафа" меҳмони бўлган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, гуруҳ босқичи йўлланмасидан мосуво бўлди. Осиё чемпионлар лигасининг энг кўп иштирокчиларидан бири – "Пахтакор"нинг бу йил шунчаки томошабин бўлиши аламли, албатта. Учрашувдаги ҳар иккала гол рақибнинг кучли тактик ҳужумлари натижаси эмас, вазиятлардаги хатолар ҳосиласи эканлиги ундан-да аламли.

Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ

Сирдарё вилояти

ҲИНДИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАР ГУЛИСТОНДА

Ҳиндистондаги "Apollo" клиникаси шифокорлари – онколог Шуайб Заидий, пластик жарроҳ Шахин Нурейдзан, болалар урологи Сужит Чоудхари ва дерматолог Мунир Аҳмад Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Гулистон шаҳридаги вилоят филиалида беморларни тиббий кўрикдан ўтказди ҳамда керакли тавсияларни берди.

Хорижлик мутахассислар ҳудуддаги жами 220 дан ошиқ беморларни текшириб, аниқ ташхис қўйишди, муолажалар бўйича тавсиялар берди. Улар сирдарёлик ҳамкасблари билан жарроҳлик амалиётида ҳам қатнашди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

ТЎМАРИС АВЛОДЛАРИ БАҲСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафида хизмат қилаётган аёллар ўртасида ўтказилаётган "Тўмарис авлодлари" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур кўрик-танлов шахсий таркибнинг жангавор, маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш, ҳарбийлар турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловда ҳарбий қисимларда ўтказилган биринчи босқичнинг беш ғолибаси иштирок этди. Низомга кўра, иштирокчиларнинг касбга оид билим ва малакаси Ватанимиз тарихи, умумҳарбий низомлар, мерганлик, саф тайёргарлиги, пазандалик каби шартлар бўйича баҳоланди.

Беллашувда энг кўп балл тўплаган кичик сержант Машҳура Норқулова биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ирода Норқозоқова ҳамда Моҳира Узоқовага насиб этди.

Тадбир сўнгида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

Вилоятда ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш, ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқароларни қамраб олган ҳолда тўланадиган жамоат ишлари дастурининг сифатли, тўлиқ ва самарали бажарилишини таъминлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда.

ТИЗИМ САМАРДОРЛИГИ ЯНАДА ОШАДИ

Айни пайтда вилоятда 2724 нафар ишсиз фуқаролар вақтинчалик жамоат ишларига жалб этилди. Ўтган йил якунига кўра уларга 1 миллиард 376 миллион сўмлик ойлик маошлари тўлаб берилди.

– Жорий йилнинг январь ойида вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 1626 та фуқаро жалб этилди, – дейди вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи Эркин Авезов. – Бу эса ҳудудлар ободлиги, аҳоли фаровонлигига замин яратаётир.

ҚУЛАЙЛИК

Яқинда Навоий вилояти Бандлик бош бошқармаси тизимидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига ҳақ тўланадиган жамоат ишлари самарадорлигини ошириш учун янги "Damas" автомашиналари топширилди. Бу тизим самарадорлигини оширишда яна бир қулайлик яратди.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "PERFECT COSMETICS" МЧЖнинг устав фонди 2 000 000 000 сўмдан 500 000 000 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "SIB METAL" МЧЖнинг устав фонди 4 973 234 900 сўм 99 тийиндан 4 841 234 900 сўм 99 тийинга камайтирилади.

Тошкент ш. Яшнобод т. "Ягона дарча" маркази томонидан (29.06.2017 й., реестр № 529108) рўйхатга олинган "SARVAR OLMOS-BIZNES" МЧЖ (СТИР 304965078) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 04.09.2017 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 709-42-49 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (17.04.2017 й., реестр № 508837) рўйхатдан ўтган "SOGGOZA" МЧЖ (СТИР 304835888) тугатилади. Даъволар 300-66-99 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Сергели т.да (10.03.2017 й., реестр № 005710-06) рўйхатдан ўтган "ZAFAR BUSINESS" МЧЖ (СТИР 303452155) тугатилади. Даъволар 918-55-62 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "UZBEK-SAVDO-EXPORT" МЧЖнинг устав фонди 1 552 886 865 сўмдан 1 277 530 143 сўмга камайтирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 007523-05, 19.06.2014 й.) рўйхатга олинган "ME`YORIY ISH SIFAT" МЧЖ (СТИР 302982146) таъсисининг 01.02.2018 й.даги 04-20-сонли қарорига асосан тугатилади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 009092-04, 19.06.2014 й.) рўйхатга олинган "ME`YORIY AVTO SERVIS" МЧЖ (СТИР 302982787) таъсисининг 01.02.2018 й.даги 06-20-сонли қарорига асосан тугатилади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (20.09.2005 й., реестр № 04-0000814) рўйхатдан ўтган "BENGUSHER" ХК (СТИР 204315359) тугатилади. Даъволар 940-12-13 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ТСРЎИда рўйхатдан ўтган "Zikirov Avaz Xayrullo o`g`li" ЯТТга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ТСРЎИда рўйхатдан ўтган "Azimov Shuxrat Yusupovich" ЯТТга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри "Ягона дарча" маркази томонидан (01.02.2016 йил № 3099) рўйхатга олинган "TOSHKENT OZUQA-YEM TA`MINOTI" МЧЖ (СТИР 303768172) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар 1 ой давомида ЎртаЧирчиқ тумани "Қумовул" МФЙ Яшил Водий кўчаси 45-А уй манзилида қабул қилинади.

ЯТТ "RASULOVA DINORA BUXORBOYEVNA" (СТИР 602642734) томонидан ёлланма ишчи TOXTIYEVA GULMIRA IBRAGIMOVNAга (СТИР 496534936) тегишли Ёлланма ишчиларни ҳисобга қўйиш карточкаси (Чилонзор тумани ДСИ томонидан берилган № 0601010, 21.10.2016 й.) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги жамоаси агентлик лойиҳа раҳбари ўринбосари Абдураҳим Тўйчиевга турмуш ўртоғи **Дилбар ТЎЙЧИЕВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети раҳбарияти ва жамоаси университетнинг Ўқув-услубий бошқармаси консультанти, профессор Владимир Зуевга ўғли **Олег ЗУЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 994-57-08;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 644-44-11;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21073 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123 56